


**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**ORIGINAL MEANINGS OF SOME ETHNONYMS IN SOURCES****Urak Lafasov***PhD, associate professor**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: [lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)***ABOUT ARTICLE****Key words:** Kut, kutluq, gudulu, eltarish.**Abstract:** This article provides information and research results about the original meanings of some ethnonyms in the sources.**Received:** 20.08.22**Accepted:** 22.08.22**Published:** 24.08.22**МАНБАЛАРДАГИ АЙРИМ ЭТНОНИМЛАРНИНГ АСЛ МАЪНОЛАРИ****Урак Лафасов***PhD, доцент**Тошкент давлат шарқишунослик университети**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: [lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** Қут, қутлуқ, гудулу, элтариш.**Аннотация:** Ушбу мақолада манбалардаги айрим этнонимларнинг асл маънолари ҳақида маълумотлар ва тадиқиқот натижалари берилган.**ПЕРВОНАЧАЛЬНЫЕ ЗНАЧЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ЭТНОНИМОВ В ИСТОЧНИКАХ****Урак Лафасов***PhD, доцент**Ташкентский государственный университет востоковедения**Ташкент, Узбекистан**E-mail: [lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)***О СТАТЬЕ****Ключевые слова:** Кут, қутлуқ, гудулу, элтариш.**Аннотация:** В данной статье представлены сведения и результаты исследований об первоначальных значениях некоторых этнонимов в источниках.

## КИРИШ

Дунё тиллари орасида туркий тиллар луғат бойлигининг кўплиги ва сермахсул еканлиги билан ажралиб туради. Бу борада сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир хазрат Алишер Навоий қимматли фикрларни айтиб ўтган. Туркий тилда яратилган мумтоз намуналарнинг сақловчиси сифатида ўзбек тили эса кенг имкониятларга эга бўлди. Бу эса шўро мафкурасини қаттиқ ташвишга солган эди. Уларни тилимиздаги таянч этнонимлар ва уларнинг бирлаштирувчи асл маънолари кўрқитар эди. Ушбу этнонимлар туркийларнинг яқин қариндошлиги тасдиқлар ва ўзлигини англатар эди. Шунинг учун улар имкони борича ана бу этнонимларни илмий таҳлилга тортмасликка тиришар эдилар. Буни амалга ошириш учун азалий тайинсиз қабила ва туркийларга душман бўлган ғалмис кимсалардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Иложи борича ўша соткин ва ватанфуруш нусхалардан сохта олимлар чиқаришга зўр беришган. Уларнинг вазифаси туркий халқларни майдалаш ва эътиборини этимологиядан чалғитиш бўлган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Туркийлар, жумладан ўзбеклар учун кадрли терминлар кўп. Шулардан дан энг нуфузлиси **қут** атамасидир. Тарихдан маълумки, қутчилар туркийларни озодликка олиб чиққан буюк **Қутлуқ** (*Қут+луқ*) хоконнинг авлодлари саналади. Хоконнинг исми хитой манбаларида **Гудулу** шаклида учрайди. Қутчилар туркийларнинг аслзода уруқ (уруғ) ларидан бири ҳисобланади. Тошбитикларда Қутлуғ хоконнинг 681 йилда чинларга қарши курашиб, Кўктурклар давлатини қайта тирилтиргани ҳақида ҳикоя қилинган. Ана шу тарихий далилга асосланган туркийшунос олим Насимхон Раҳмон *Қутлуқхон* хитойликлар истилосига қарши қўзғолон кўтарганлиги ва кейинчалик *Элтариш* номини олганлиги ёзган. Ушбу қавм туркий халқларни хурликка олиб чиққани боис “*қутжилар*”, яъни “*бахт улашувчилар*” деб аталган. Шўро мафкураси асосида Урхун-Энасой битиктошларини ўрганган олимлар *Қутлуқхон* емас, кейинги исм *Элтариш*га урғу бердилар. Бунинг сабаби тарихимиздаги табақавий нуфузи юқори, аслзода қавмлардан бошқаларнинг эътиборини чалғитиш эди. Терминларнинг ўзаро алоқаси эса халқ ва миллат тарихи аниқ белгилаб беради. **Қутжи** этнонимнинг ўзаги **қут** (*бахт*) бўлиб, унга **-жи** сўз ясовчи қўшимчасининг қўшилишидан юзага келган. Кейинчалик бу атама форс тили таъсирида **қут+чи** га айланган ва ассимиляция ҳодисаси туфайли **қут+чи** сўзи **қуч+чи** шаклига келган. Қутчилар озодлик кураши учун тўпланиш жойи сифатида Жанубий Хоразм (Қорақум) ни белгилашган. Қутчиларнинг туркий уруғ сифатида асл макони Амударё ҳавзаси эди.

Қутчилар Мовароуннаҳр, Етгисув, Қашқар, Қирғизистон ва Жанубий Сибирда ҳам яшаганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Қадимий луғавий birlikлар, жумладан Тибет терминининг туркий муқобили бўлган *Танқут*, яъни *Тангриқут* атамаси таркибидаги “қут”

сўзи ҳам юқори мақомга ишорадир. Бундан шунга амин бўлиш мумкинки, туркийларда “қут” (бахт) ифодаси нақадар қадрли ҳисобланган. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг давлат бошқарувига бағишланган “*Қутадғу билик*” асари номидаги ҳам қут сўзи олий нуфуздан далолат беради. Қутлуғхоннинг туғишган укасининг исми Найман бўлган. Шунинг учун қутчилар ва найманлар ҳар доим душманга қарши курашда бир дам бўлишган. Ҳозир ҳам миллий курашда улар бир-бирининг тарафини олиб даврага чиқишади.

Қутлуғ (Элтариш) ҳоқоннинг ўғли **Билга ҳоқон**нинг болалари иккинчи авлод саналадиган *қиёт, қўнгирот* урук (уруғ) ларидир. Билга ҳоқоннинг асл оти бўлиб **Мунгулхон** бўлиб, Хитой йилномаларида келтирилган. Шунинг учун унинг авлодлари “*мунгул*” (зоти тоза) деган умумий ном билан аталган. Носириддин Рабғузийнинг “**Қиссаси Рабғузий**” асарида ҳукмдор ҳақида шундай таъриф бор: “...*йигитлар ариғи (поки), улуг отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзгу хулқлиғ, ислом ёриғлиқ, мунгул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз (юксак), ақли тегиз бегимиз*”. Кейинчалик “мунгул” этноними арабча талаффузда ўзгариб “**муғул**”га айланиб қолган. Шаҳарликлар, уруғ нималигини тушунмайдиган гибрит қарлуклар (қирчоқлар билан ўғузларнинг қўшилишидан пайдо бўлган ва бегона қон ҳам аралашган қабила) тилида аслида пароним бўлган “**мунг+ул**” ва “**мун+гул**” (манқул, монгол) атамалари оғзаки нутқда бирлашиб қолган. Аммо илмий адабиётларда бу этнонимлар кескин фарқланган. Рус тарихчилари ва Овропа тарихчилари бу терминларни ажратишади. Фикримизга далил сифатида “Мунгул-татарлар”, “Буюк мунгул империяси” терминларини келтиришимиз мумкин. Аммо “*мун+гул*” (*манқул, монгол*) лар ҳам туркийларга узоқ қариндош халқ саналади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам аслзода туркий уруғлар ҳақида бадий изохлар учрайди. Масалан: *Қўнгирот десам соқолинг чочоломос, Чуйут десам ойогинг качаламас, Жуз десам биқининг тўлойомос, Сарой десам бўрбойинг гўлойомос, Магарки қуччи ё найман бўмасанг. Мазмуни: Қўнгирот десам соқолинг сийрак эмас, Чуют десам оёгинг ичкарига қийшиқ эмас, Сарой десам оёгингнинг пастки қисми йўгон эмас, Балки қуччи ёки найман бўлишинг мумкин.*

Туркийларнинг аслзодаси бўлган **қутчи, найман, қиёт, қўнгирот** урук (уруғ) лари *Буюк Туронни, Буюк турк хоқонлигини, Хан империясини, Каёнийлар империясини, учта Буюк мунгул империясини, Усмонли империясини* ва бошқа туркий сулолаларни моҳирлик билан бошқарган. Туркийлар қутжиларга ҳурмат кўрсатиб, “*элик*” ва “*қутбеги*” (*бош вазир*), лавозимларини беришган. “*Қутэжи*”ларнинг илк вакиллари Хоразм ва Қашқа воҳасида яшаган ва туркий давлатчиликда юқори нуфузга эга бўлишган. **Қутэжилар** Буюк Турон, Буюк Турк хоқонлиги, қорахонийлар, чингизийлар, темурийлар, усмонийлар, шайбонийлар,

аштархонийлар, кўнғиротлар, манғитлар ва минглар даврида ҳам ўзларининг олий нуфузини сақлаб турган. Улар давлатга ҳомийлик қилишган ва иқтисодий таянч вазифасини бажаришган. Бош вазирлик лавозими ва мақоми ҳар доим уларга тегишли бўлган. Ўрта Осиё уч хонликка бўлинган вақтда ҳам Бухоро амирлиги (қушбеги Мирзо Урганжий) ва Кўккон хонлигидаги “*қушбеги*” (аслида “*қутбеги*”) фақат “*қутжи*”лар ўтиришган. Бу элсевар уруғ ҳозир ҳам жамиятда ўз номи, миллий ғурури ва ҳурмат-эътиборини асраб қолган. Улар Ўзбекистоннинг *Хоразм* (Урганч, Янгибозор туманлари), *Бухоро* (Қоракўл, Олот туманлари), *Қашқадарё* (Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари), *Самарқанд* (Пахтачи, Ургут туманлари), *Жиззах* (Зомин), *Фарғона* вилоятларида истиқомат қилиб келмоқда. Шунингдек ҳозирги *Қорақолмоғистон* (Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний туманлари), *Қозоғистон* (Чимкент вилояти), *Қирғизистон*, *Хитой*, *Озарбайжон*, *Туркия*, *Эрон* ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳаёт кечиришмоқда.

Шу ўринда буюк астроном Али Қушчининг тахаллусидаги “қушчи” атамаси нуқсонли эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу терминнинг талаффуздаги асл варианты “қуччи” бўлиб, туркий уруқ (уруғ) номи “қутчи”га ишора қилиб танланган. Шундай бўлсагина бу ном аслиятга мос келади. Ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг, ўрта асрларда оддий қуш (парранда) боқарнинг ўғли бундай юксак нуфузга эриша олармас эди. Чунки унинг табақаси, иқтисодий имкониятлари ва илм эгаллаш қобилияти ҳам бунга тўсқинлик қилар эди. “Ўз даврининг Батлимуси” номини олган, улуғ ҳукмдор олим Мирзо Улуғбекнинг “*фарзанди аржуманди*” бўлган *Алоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи* 1402 йили Самарқандда туғилган. Алининг отаси Мавлоно мулла Муҳаммад Амир Темур қароргоҳининг бошлиғи бўлган. Оддий ҳақиқат шуки, унинг отаси қушбоқар бўлган эмас, унда жаҳонгирнинг қароргоҳига бошлиқ бўла олмас эди. Али Қушчининг олим бўлишида отасининг табақаси ва иқтисодий нуфузи муҳим аҳамият касб этган. Бундан ташқари қутчилар, яъни Али Қушчининг уруғдошлари Мирзо Улуғбекка Ер юзидаги фақат тўртта (айрим маълумотларга кўра бешта) бўлган **кенглик нуқтаси**, яъни ***юлдузларни яхши кузатиш имконияти юқори бўлган жойни*** топиб беришган. Мазкур кенглик нуқтаси Қашқа воҳаси, Китоб тумани ҳудудидаги тоғда жойлашган. Ўша жойда қутчи уруғи вакиллари истиқомат қилишади. Шу ҳудудда машҳур шайх Ҳазрати Башир зиёратгоҳи ҳам бор. Бу қадамжога Али Қушчи кўп марта келган, ҳатто бир неча йил муқим ҳолда яшаганлигини илмий манбалар тасдиқлайди. Улуғбекнинг буйруғи билан кенглик нуқтаси яқинида кичик расадхона қурилган ва ана шу жойдан юлдузлар аниқ кузатилган. Кейин Самарқанддаги расадхонада таҳлил қилинган. Самарқанд илмий мактабида “*Хоқония*”, “*Элхония*” ва “*Юнон*” юлдузлар жадваллари бор эди. Юлдузлар “кенглик нуқтаси” да муқаммал кузатилгандан сўнггина учала юлдузлар жадвалида мавжуд бўлган камчиликлар

тўлиқ тузатилган. Юртдошимиз ва миллатдошимиз буюк олим Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи дунё илм фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек бошчилик қилган илмий мактаб, Самарқандда эришилган илмий ютуқлар ва астрономик жадвал билан Европа олимларини таништирган. Али Қушчининг хизмати туфайли Самарқанд илмий мактабининг илмий ютуқлари Ўрта Шарқ, Яқин Шарқ ва Европага тарқалган.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қиладиган бўлсак, туркийларнинг аслзода ва зоти тоза урук(уруғ) лари кутчилар, найманлар, қиётлар ва қўнғиротлар ҳисобланади. Улар ҳар доим элсевар, мард ва ватанпарварлиги билан ажралиб турган. Ватан мустақиллиги йўлида ҳар қандай душманга қарши аёвсиз кураш олиб боришган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: “Фан”. 2002, 245 бет.
2. Азим Ҳожиёв. Тилшунослик терминлари изоҳли луғати. – Т.: “ЎЗМЭ”. 2002, 164 бет.
3. Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил. – Т.: “Ўқитувчи”. 1982, 166 бет.
4. Усмон Турк. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: “Чўлпон”. 1995, 104 бет.
5. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”. 1993, 145 бет.
6. Қозоқбой Маҳмудов. Қадимги Туркистон. – Т.: “Ижод дунёси”. 2003, 192 бет.
7. Турон қавмлари. – Т.: “Истикбол”. 2008, 230 бет.
8. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. – Т.: “Шарқ”. 2011, 460 бет.
9. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Т.: “Ёзувчи”. 1990, 234 бет.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Т.: “ЎЗМЭ”. 2000, 735 бет.
11. Аҳадова М. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари. – Т.: “Ўқитувчи”. 1983. 212 бет.
12. Lafasov, U. (2021). The Migration of the Japanese from the Center of Turan to the East. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(1)*.
13. Lafasov, U. P. (2020). Relationship Between Turks And Japanese. *International Journal of Scientific and Technology Research, 9(2)*, 3935-3938.
14. Lafasov, U. P. (2021, December). THE HARMONY OF WORDS AND IMAGES IN THE WORK OF ABDULLAH QADIRI. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 98-101).
15. ЛАФАСОВ, У. П. (2021). THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE INTERVAL-CENTER OF TURON. *Иностранные языки в Узбекистане, (1)*, 264-275.

16. Лафасов, У. (2020). Али Кушчи и его научное наследие. *Turkic Studies Journals*, 2(1), 53-62.
17. Lafasov, U. P. (2020). The King of Uzbek Prose. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05).
18. ЛАФАСОВ, У. П. (2019). ABDULLA KADIRI'S DISCOVERY AND SKILL OF USING WORDS. *Иностранные языки в Узбекистане*, (6), 200-212.
19. Лафасов, У. П. (1996). Способы выражения субъективной модальности в диалогической речи.
20. LAFASAOV, U. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙИЖОДИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИФ. *Avrasya Uluslararası Araştırmalar Dergisi*, 5(11), 93-99.
21. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
22. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
23. Ziyamuhamedov, J. (2021). ARTISTIC DETAILS IN PU SUNG-LING'S CREATIVE STYLE. *Philology Matters*, 2021(1), 22-36.